

---

Ўзбекистон туманилик ўқитувчи аттестацияда юқори баллни қўлга киритиб, вилоятда пешқадамлик қилмоқда

Маълумки шу кунларда Республикамиз бўйлаб мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари педагоглари иштирокида аттестация бўлиб ўтмоқда.

Қайд этилишича, бу йилги педагоглар малака тоифаси учун ташкилланган аттестация жараёнларида Фарғона вилоятидан 21 минг 430 нафар педагог иштирок этиши режалаштирилган.

Тадбирнинг кечаги, тўртинчи кунда бошланғич таълим йўналиши бўйича педагоглар малака тест синовларида иштирок этишди.

Қувонарлиси, унда иштирок этган Ўзбекистон туманидаги 67-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси Умидахон Ниёзматова 94 балл натижани қўлга киритиб, вилоятда пешқадамлик қилмоқда.

Эслатиб этиш жоиз, Умидахон Ниёзматова турмуш ўртоғи Абдуллажон Ниёзматов билан биргаликда 2021 йилги "Ёш китобхон оила" республика танловида ғолибликни қўлга киритиб, Президент совғаси- "Спарк" автомашинаси соҳибига айланишган эди.

2024-04-19 17:28:26